

**“Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖда 2024 йил 1- чоракда коррупцияга
қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида
УМУМИЙ ҲИСОБОТ**

**I. Жамиятнинг Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури
бажарилгани тўғрисида умумий ахборот.**

2024 йил 1- чоракда “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖда қуйидаги Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган ишлар амалга оширилган:

Ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш, ишлаб чиқариш ва сифат назорати жараёнларининг шаффофлиги ва стандартлаштирилганлигини ўрганиш, хавфларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жамиятнинг барча ходимларига “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖ томонидан қабул қилинган порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ қоидалари ва коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услугиёти мавзусида 2024 йил 27-29 март кунларида ўқув машғулотларини ўтказилди.

Ходимларнинг ишга қабул қилиш жараёни ва ходимларнинг шахсий йиғма жилдларини автоматлаштириш мақсадида электрон ҳужжат алмашиш платформасида ҳар бир ходимнинг шахсий профилини яратиш ишлари олиб борилди. Бунда кадрларга оид масалаларда коррупцияга қарши курашиш тизимининг жорий этилиши, ходимлар томонидан манфаатлар тўкнашуви тўғрисидаги декларацияни тўлдириш, ишга қабул қилинувчи номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сони ва аниқланган манфаатлар тўкнашуви ҳолатлари ва уни тартибга солиш бўйича қабул қилинган чоралар тўғрисидаги маълумотлар рақамлаштирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жамият коррупцияга қарши курашиш тизими стандарт талабларига жавоб бериши юзасидан жамиятда ишловчи учта ходим ISO 37001:2016 сертификатларига эга.

Ички локал ҳужжатларни такомиллаштириш мақсадида Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида Низом, шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тавсияларига мувофиқ, жамият ходимлари томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ишлаб чиқилди .

Меҳнат шарномаларида Коррупцияга қарши шартларни киритган ҳолда наъмунавий янги таҳририни тайёрланди ва татбиқ этилди.

II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар.

“Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖда қуйидаги комплаенс назоратига оид сиёсат, процедура ва Низомлар қабул қилинган:

“Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг 2023 йил 4 октябрдаги 15-ИЧ сонли буйруғи билан:

1. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг “Порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича” сиёсати;
2. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг “Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш” услубиёти;
3. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг “Манфаатлар тўқнашуви бўйича” сиёсати;
4. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг алоқа каналари орқали қоидабузарликлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш” регламенти;
5. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖда “Ходимларнинг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича” йўриқнома;
6. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг “Бизнес ҳамкорларини комплекс текшириш” процедураси;
7. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖга “Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича” йўриқномаси;
8. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг “Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш” услубиёти;
9. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖда “Коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича” Низоми;
10. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг “Хизмат текширувларини ўтказиш” процедураси;
11. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг “Бизнес ҳамкорларининг одоб-ахлоқ” Кодекси;
12. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг “Хайрия ва тижорат хомийлиги бўйича” сиёсати;

13. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг “Жиноятдан олинган даромадларни легалаштиришга (ювишга) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш” сиёсати;
14. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг “Санкциялар ва экспорт назорати” сиёсати;
15. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг “Совғалар, меҳмондустлик, сафар ва тадбирларга таклифномалар тўғрисида”ги Низоми;
16. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖга “Ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низоми;
17. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг “Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисида”ги Низоми;
18. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖ ходимларнинг “Одоб-ахлоқ” қоидалари;
19. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖда “Коррупцияга оид ҳукубузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашда бошқа тарзда қўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги Низоми;
20. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг “Жамият ходимлари томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисида”даги Низоми;
21. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг “Комплаенс хизмати тўғрисида”ги Низоми қабул қилинган. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар жамиятнинг jizzakhauto.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилган.

III. Хавф-хатарларни баҳолаш.

“Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖ томонидан коррупциявий хавф-хатарлар қуйидаги соҳалар бўйича таҳлил қилинган:

“Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг бирлашган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси, коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимлар рўйхати ва коррупцияга қарши кураш дастури (“Йўл харитаси”) ва унинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар 2024 йил учун платформага юкланган.

“Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг 2024 йилда коррупциявий хавф-хатарлар харитаси, жамиятда коррупцияга қарши кураш дастури ҳамда

Коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимлар рўйхати шакллантирилди.

IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллари ва Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш.

2024 йил 1-чоракда “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖда 4 нафар фуқаро ишга қабул қилинган. Мазкур номзодлар манфаатлар тўқнашуви аризаси тўлдирган бўлиб, барчаси текширувдан ўтган.

Шунингдек, жамиятда ишловчи барча ходимларга манфаатлар тўқнашуви йиллик декларациялари тўлдирилган.

“Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖда манфаатлар тўқнашуви йиллик декларациясини ўрганишлар амалга оширилганда манфаатлар тўқнашуви ҳолати аниқланмади.

Коррупцияга қарши қоидаларни ташкилот шарномаларига киритиш.

Жамиятда барча шартномаларида коррупцияга қарши шартлар назарда тутилган, бундан махсус ахборот порталларидаги элеткрон савдо платформасида тузиладиган шартномалар мустасно;

Хозирги кунда контрагент томонидан коррупцияга қарши қоидалар бузилиши ҳолатлари аниқланмаганли сабабли шартномалар бекор қилинмаган.

Контрагентларни текшириш.

“Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖда 2024 йил 1-чоракда контрагентларни “Бизнес ҳамкорларини Комплекс текшириш” процедураси белгиланган тартиб асосида текшириш ишлар амалга ошириш йўлга қуйилмоқда .

Ишга қабул қилинган номзодларни текшириш.

2024 йил 1- чорак якунига “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖда 4 та ишга қабул қилинган номзодлар устидан текширувлар ўтказилган.

V. Таълим ва коммуникация.

Хусусан 2024 йил 1- чоракда жамиятда семинар ва тренинглар ўтказилган. Тренинглар якуни бўйича баённомалар ва ўқув вароқлари расмийлаштирилган.

VI. Коррупциявий хатти-харакатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўрисидаги хабарлар.

“Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖда Коррупциявий хатти-харакатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўрисидаги маълумотларни оловчи алоқа каналлари мавжуд бўлиб, ушбу алоқа каналлари орқали хабарлар келиб тушмаган.

VII. Мониторинг ва назорат.

Идоравий коррупцияга қарши тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги;

ОАВ мониторинги;

Ташкилот ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойил ва талаблардан хабардорлиги мониторинги;

Коррупцияга қарши дастурлар, йўл хариталари ижроси устидан назорат;

Ташкилотдаги коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат.

Жамиятда амалга ошириладиган текширувлар доимий равишда амалга оширилади ва камчилик топилганда тегишли чоралар кўрилади ҳамда улар ҳужжатлаштирилади.

VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари.

“Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖда 2023 йилнинг 1-январь кунидан 25-декабрь кунига қадар бўлган давр давомидаги фаолиятига оид ҳужжатлари билан танишиб чиқилган. Аниқланган қоидабузарлик ва уларга кўрилган таъсир чоралари бўйича келгуси ҳисоботларда қўшимча маълумотлар тўлиқ тақдим қилинади.

IX. Хулосалар.

Асосий жамиятнинг коррупцияга-қарши курашга қаратилган асосий чора-тадбирлар бу:

Бизнес режа бажарилишини назоратга олиш;

Таннархни камайтириш;

Жараёнларни автоматлаштириш;

Департамент фаолиятини ривожлантириш;

Идоравий коррупцияга қарши тизим тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги;

ОАВ мониторинги;

Ташкилот ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойил ва талаблардан хабардорлиги мониторинги;

Коррупцияга қарши дастурлар, йўл хариталари ижроси устидан назорат;

Ташкилотдаги коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назоратга олиш ҳисобланади.

Мазкур йўналишлар бўйича хизмат ўз ишини сифатли бажариб келмоқда. Коррупцияга қарши кураш қонунчилиги талабларидан келиб чиқиб, ички идоравий ҳужжатлар такомиллаштирган. Комплаенс хизмати ходими билим ва кўникмалари тизимли равишда ошириб борилмоқда.

Х. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси.

2024 йил 1- чорақда амалга оширилган чора-тадбирлардан келиб чиқиб, қуйидагилар таклиф қилинади.

Молия ва иқтисодий соҳасида хавфларни олдини олиш мақсадида тўланган (ундирилган) молиявий жарималарни ўрганиш ва тегишли тартибда айбдорларга чора кўрилиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ва киритилишини ташкиллаштириш борасида корхоналар сонини ошириш;

Жараёнларни автоматлаштириш мақсадида “Буюртмаларни автоматлаштириш ва харид жараёнини тизимлаштириш” онлайн платформасини жорий этишга қаратилган ишлар олиб боришда;

“Буюрмаларни автоматлаштириш ва харид жараёнини тизимлаштириш” онлайн платформасини яратиш (code ёзиш);

“Буюрмаларни автоматлаштириш ва харид жараёнини тизимлаштириш” онлайн платформасини “Jizzax avtomobil zavodi ” МЧЖда ишга тушириш;

Комплаенс хизмати фаолиятини ривожлантириш мақсадида жамиятда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш бўйича тренинг ва семинарлар ташкил қилиш;

Халқаро сертификатни олиш юзасидан керакли билимлар ва малакалар борлигини текшириш юзасидан контрагент билан музокараларни олиб бориш ва жамиятда сертификат олишни таъминлаш;

Ички локал ҳужжатларни такомиллаштиришда;

Комплаенс бўйича шартларни киритган Меҳнат шарномаларини жорий этиш;

Молиявий таъминлашни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этмаслик ҳолатлари мавжудлиги эҳтимолини таҳлил

қилишда жамиятда қонунчилик талабларига мувофиқ жамият фаолияти тизимли равишда аудитдан ўтказишни қонунчилик талабларига мувофиқ ўз вақтида олиб боришни таъминлаш.

Комплаенс хизмати
мутахассиси



Н.Караджанов